

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 12, 31 Декабрь

УДК 631.52:635.64

ПОМИДОРНИНГ КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ГУРУҲЛИ ЧИДАМЛИЛИ ЯНГИ НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ

Наджиев Ж.Н. - к. х. ф. д.,
Жўраева Муясарбону-галаба

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ялпи сабзавот маҳсулотининг 40-42 % ни помидор экини ташкил этсада, бироқ бу экиннинг ҳосилдорлиги талаб даражасида эмас. Помидор экинидан олинаётган ҳосилдорликнинг пастлиги республикамизда районлашган навлар ва дурагайларда касаллик ва зараркунандаларга комплекс чидамлилиكنинг етишмаслигидир.

Помидор учун энг кўпроқ зарар келтирувчи омиллардан бири бўртма нематодаси бўлиб, у тупроқ таркибининг зарарланишига қараб, ҳосилдорликни 30% дан 100 % гача пасайишига сабаб булади (Арамов, Джураева 1991; Джураева, Арамов, Погребнева, 1991).

1987 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон жанубида помидор экини етиштириладиган очиқ далаларда кладоспориоз (помидорнинг кўнғир доғ касаллиги) касаллигининг эпифитотияси мавжудлиги аниқланди. Республикамизда июл ойининг охирида бу касалликнинг ривожланиши (71,0-82,2%) сезиларли бўлиб, зарарланиш даражаси 3,6-4,1 баллга етди, бу эса амал даврининг қисқаришига ва ҳосилдорликни пасайишига олиб келди (Арамов, 1989).

Шундан келиб чиқиб биз, помидорни касаллик ҳамда зараркунандалардан химоя қилишнинг иқтисодий қулай ва экологик тоза усули чидамли навлар ва биринчи авлод дургайларини яратишни тадқиқотларимиз мақсади қилиб қўйдик.

Тадқиқотлар материали ва услуги

Тадқиқотлар материали бўлиб 65 та юқори авлод линиялари хизмат қилди. Қиёсий навлар Сурхон 142, назорат сифатида ТМК-22 навларидан фойдаланилди.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 12, 31 Декабрь

Илмий изланишлар “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)” (Л.,1977) ,“ Методические указания по селекции сортов и гибридов томата для открытого и защищенного грунта”. (М., 1986) ва ОСТ 4671-78 (П-босқич) га мувофиқ амалга оширилди.

Тажриба қайтариқсиз. Бўлмача ҳисоб майдони 9,45 м², ўсимликлар сони 30 та, бўлмача икки қаторли.

Уруғлар 14 февралда плёнка остига сепилди. Кўчатлар 16 апрелда очик далага кўчириб ўтказилди.

Усимликларнинг бўртма нематодаси билан зарарланиши Кондакова, Квасников, Игнатова (1977) услубида баҳоланди.

Тадқиқотлар натижаси

Олиб борилган фенологик кузатувларга кўра энг қисқа амал даври Л- 24-1, Л- 25-1, Л- 26-1, Л- 26-5, Л- 27-4 ва Л- 30-1 линияларида кузатилди ва у 104-111 кунни ташкил этди. Яъни бу линиялар қиёсий навга нисбатан 3-10 кун илгари пишиб етилди ва улар ўрта эртапишар ҳисобланади. Қолган барча линияларда амал даври 117-120 кунни ташкил этди ва улар ўртапишардир.

Селекцион боғчада 13 та истиқболли линияларнинг ҳосилдорлиги аниқланди.

Олинган маълумотларга кўра энг юқори умумий ҳосилдорлик Л 26-5, Л 26-1, Л- 30-1, Л- 42-1, Л- 44-4 ва Л- 70-1 линияларида кузатилди ва у 60,3-71,9 т/га ни ташкил этди, ҳамда қиёсий навга нисбатан 111,0 -131,9 % га юқори бўлди.

Амал даврининг охирида линияларнинг илдизи қазилиб бўртма нематодаси билан зарарланишини баҳолаш фақат бўртма нематодасига чидамлилик гени бўлган линияларда амалга оширилди.

Баҳолаш жараёнида қуйидаги: Л- 41-1, Л-42-1, Л- 42-5, Л- 44-1, Л- 44-4, Л- 46-2, Л- 47-5, Л-47-5 Л-59-2, Л- 64-4, Л- 70-1, Л- 27, Л- 28, Л- 29, Л- 31, Л- 33, Л- 34, Л- 35, Л- 38, Л- 39, Л- 40, Л- 44, Л- 49, Л- 50, Л- 51, Л- 52, Л- 54, Л- 55, Л- 62, Л- 64, Л- 65, Л- 66, Л- 67, Л- 69 линияларида 100 % ўсимликлар бўртма нематодасига чидамлилик кўрсатди. Бу

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 12, 31 Декабрь

линияларнинг чидамлилиги энг юқори ҳисобланади. Л-40-1, Л-55-1, Л-63-5 ва Л-64-3 линияларида ўртача зарарланиш даражаси 0,07-0,56, чидамлик индекси 85,8-98,3% ни ташкил этиб, булар ҳам амалий чидамли линиялар ҳисобланади.

Бўртма нематодасига чидамли қиёсий Сурхан 142 навининг амал даври охирида 1,24 баллга зарарланишини биз тажриба даласида бўртма нематодасининг агрессив расалари пайдо бўлганлиги билан изоҳлаймиз.

2021 йил июн ойининг учинчи ўн кунлигида помидор ўсимликларида кладоспориоз (помидорнинг қўнғир доғ касаллиги) касаллиги пайдо бўлганлиги кузатилди. Август ойининг иккинчи ўн кунлигида ўсимликларнинг зарарланиш даражаси 2-3 баллга етди.

Кузатувлар жараёнида Л-63-2, Л-63-4, Л-63-5, Л-64-4 ва Л-65-1 линияларида 100% ўсимликлар кладоспориозга чидамлик кўрсатди. Қолган кладоспориозга чидамлик гени бўлган Л-63-1, Л-63-3, Л-64-3 линияларида ўртача зарарланиш 0,04-0,08 баллни, касалликнинг ривожланиши 0,96-2,0 % ни , ўсимликларнинг чидамлик индекси эса 98-99 % ни ташкил этди ва бу линиялар амалий чидамли ҳисобланади. Қиёсий нав ва тажриба даласидаги чидамсиз навларда ўсимликларнинг зарарланиши 2,0-3,0 баллни ташкил этиб, улар бу касалликка чидамсиз ҳисобланади.

Хулоса

Помидор селекцион боғчасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида энг истиқболли ўрта эртапишар, серҳосил, транспортбоп ва мева сифати юқори: Л-24-1, Л-25-1, Л-26-5, Л-26-1, Л-30-1 линиялари ажратилди.

Ўртапишар, транспортбоп, серҳосил, бўртма нематодасига чидамли: Л-41-1, Л-42-1, Л-42-5, Л-44-1, Л-44-4, Л-46-2, ва Л-70-1 линиялари, ҳамда ўртапишар, серҳосил, транспортбоп, бўртма нематодаси ва кладоспориозга гуруҳли чидамликка эга: Л-63-2, Л-63-4, Л-63-5, Л-64-4 ва Л-65-1 линиялари ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида касаллик ва зараркунандаларга чидамли, истиқболли навлардан фойдаланиш

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 12, 31 Декабрь

иктисодий самарадорликни ошириб, баъзи захарли кимёвий препаратларни қўллашни камайтиради ва экологик мухитни ифлосланишини олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арамов М.Х. Джураева Л.М. Из опыта селекции томата на устойчивость к мелойдогинам в Средней Азии. В сб.: Галловые нематоды с.-х. культур и комплексные меры борьбы с ними в открытом и защищенном грунте.– Душанбе. “Дониш”, 1991.-С. 43- 45.
2. Арамов М.Х. Кладоспориоз томата на юге Узбекистана.//Сельское хозяйство Узбекистана. -1989.-N.10.
3. Джураева Л.М., Арамов М.Х., Погребнева С.П. Селекция устойчивых томатов- надежный щит в борьбе с мелойдгинозом. Всесоюзн. конф: Проблемы и опыт возделывания экологически чистой продукции, - Алма-Ата, 1991. -С. 191-193
4. Кондакова Е.И., Квасников Б.В., С.И. Игнатова С.И.. Методика оценки сортов томата на устойчивость к галловым нематодам. Тр. НИИОХ, том. 6, М., 1976, -С. 169-174.
5. Методические указания по селекции сортов и гибридов томата для открытого и защищенного грунта. М., ВНИИССОК, 1986. -113 с.